

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ҒАЛЛА ЕТИШТИРУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАР ВА КОРХОНАЛАРДАН
СОТИБ ОЛИНАДИГАН ДОННИ САҚЛАШ СОҲАСИДАГИ АЙРИМ
НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4634-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

бошоқли донни қабул қилиш ва сақлаш майдонлари, омборлари ҳамда бошқа сиғимларга бўлган талабларни, бошоқли дон партиясини қабул қилиш, шакллантириш ва жойлаштириш, нархлар барқарорлигини таъминлашда дон сифатини назорат қилиш тартибини, шунингдек, донни сақлаш жараёнида техника ва саноат хавфсизлиги, санитария талабларини назарда тутувчи Ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинадиган донни сақлаш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ;

бошоқли донни қабул қилиш ва сақлаш майдонлари, омборлари ҳамда бошқа сиғимларга хулоса беришга тайёрлаш ва ўтказиш учун умумий талабларни, шунингдек, дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш тартибини назарда тутувчи Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низом **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳар йили 1 апрелга қадар ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархларининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида сотиб олинадиган ғалланинг туманлар кесимидаги тақсимоти ҳамда бошоқли дон сақлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳудудий бошқармалари хулосасига эга бўлган дон корхоналари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб боради;

ҳар йили 1 майга қадар туманлар кесимида қабул қилинадиган ғалланинг ҳажмлари ва уларни сақлайдиган дон корхоналари рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў.И. Барноев ва Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи А.Д. Вахабов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 22 май,
312-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 312-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинadиган
донни сақлаш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинadиган донни сақлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бошоқли дон — озиқ-овқат, озуқа ем ва техник мақсадлар учун фойдаланиладиган бошоқли экинларнинг дони;

доннинг намлиги — дон тўқималари билан физик-кимёвий ва механик боғланган, стандарт шароитларда аниқланаётганда чиқиб кетадиган сувнинг миқдори;

доннинг сифати — мўлжалланишига мувофиқ белгиланган эҳтиёжларни қондириш учун яроқли эканлигини тасдиқловчи дон хоссаларининг мажмуи;

доннинг тўпи (партияси) — сифати бўйича бир хил, бир вақтда қабул қилишга, юклашга ёки сақлашга мўлжалланган, сифати тўғрисидаги битта ҳужжат билан расмийлаштирилган доннинг миқдори;

зараркунандалар билан зарарланган дон — ҳашоратлар ёки каналар билан ташқариси ёки ичи, куртак, қобиқлари ва эндоспермаси қисман ёки тўлиқ кемирилган дон;

ифлослантирувчи аралашмалар — дондан мақсадли фойдаланишда ажратиб олинadиган, истеъмолга яроқсиз бўлган органик ва ноорганик аралашмалар;

корхона — мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошоқли донни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи корхона;

омбор — технологик, конструктив ва иқтисодий тавсифга эга бўлган, доннинг миқдор ва сифат жиҳатидан сақланишини, сақланадиган донга ер ости сувлари ва атмосфера ёғинлари тушмаслигини таъминлашга мўлжалланган иншоот;

сиғим — дон сақлашга мўлжалланган, аниқ ўлчамга эга бўлган ва махсус талабларга мос келадиган иншоот;

элеватор — махсус сиғимга эга бўлган, мукамал ва тўлиқ механизациялаштирилган, донни сақлашга мўлжалланган омборхона.

3. Ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинadиган донни сақлаш ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Бошоқли донни қабул қилиш ва сақлаш майдонлари, омборлар ҳамда бошқа сиғимларга бўлган талаблар

4. Корхоналарга тегишли бўлган барча бино-иншоот, ускуна ва жиҳозлар билан бирга унинг ҳудуди ўралган бўлиши лозим ва донни сақловчи корхоналардаги техника хавфсизлиги ва санитария қоидаларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади.

5. Корхона ҳудудидан атмосфера ва ер ости сувларининг қувурларга чиқиб кетишини таъминловчи тизими бўлиши лозим.

Ҳудуднинг транспорт юрадиган қисми, шунингдек, бошоқли дон билан боғлиқ ишлар амалга ошириладиган барча майдонлар ва жойлар асфальтланган, тунги вақтларда ёритилган бўлиши керак.

Дон омборлари ва бошқа сиғимларнинг периметри бўйлаб нишаби 10°C дан кам бўлмаган ва эни 1-2 метр (ер ости сув сатҳини инобатга олган ҳолда) йўлакчалар, шунингдек, сув оқиб кетадиган ариқлар мавжуд бўлиши талаб этилади.

6. Сақланаётган дон захиралари зараркунандалар билан зарарланишининг олдини олишни таъминловчи чора-тадбирлар, яъни корхоналарнинг моддий-техника базасини янги дон ҳосилини қабул қилишга тайёрлаш жараёнида объектларни комплекс дезинсекциялаш мажбурий ҳисобланади.

7. Дон омборлари ва бошқа сиғимларнинг техник ва санитария ҳолати бўйича қуйидагилар талаб этилади:

қурук, шу жумладан, ер ости ва оқова сувларнинг сизиб киришидан ҳимояланган бўлиши;

бошоқли донга хос бўлмаган ҳидга эга бўлмаслиги ҳамда заракундалар билан зарарланмаган бўлиши;

омборларнинг ички ва ташқи деворлари сувалган, элеваторларда беркитилмаган горизонтал ва вертикал ёриқлар бўлмаслиги;

эшиклар зич ёпилиши, паст ва девор қисмлари силлиқ, тирқишларсиз бўлиши;

томларининг соз ҳолатда бўлиши, деразалар омборнинг ички тарафидан беркитилиши;

чироқларга махсус ҳимоя ғилофлари кийдирилган бўлиши;

шамоллатиш тизимлари доимий иш ҳолатида бўлиши лозим.

8. Ер ости сувларининг сатҳи паст бўлган ҳолларда, қадоқланган бошоқли донни бевосита (текис, соз ҳолдаги) асфальтланган юзада сақлашга рухсат этилади.

9. Тара ва брезентларни сақлаш, зарарсизлантириш мақсадида уларни тозалаш ва газация қилиш, дон сақлаш омборларидан ажратилган алоҳида хоналарда амалга оширилади.

Тара ва брезентларни ифлос, намлиги юқори, зараркунандалар билан зарарланган ҳолда сақлашга рухсат этилмайди.

10. Барча тоифадаги оралиқ маҳсулот ва чиқиндилар дон омборларидан ажратилган алоҳида сиғимларда сақланиши керак.

11. Дон билан ишлашда дон омборлари ва ҳудудни тозалашдан ҳосил бўлган ифлослантирувчи аралашмалар (қўшимчалар) ҳамда чанг уюмлари белгиланган тартибда корхона ҳудудидан ташқарига чиқариб ташланиши керак.

12. Дон уюми устидан юришда уюм устига солинган тахта траплар ёки тўшамалар устида пойабзал устидан кийиладиган бахилалар ёхуд матоли пайпоқларда юриш талаб этилади.

13. Дон омборлари ва маҳсулот омборларига фақат хизмат қилувчи ходимлар ва сақланаётган доннинг устидан назорат ва кузатишни амалга оширувчи шахслар киришига рухсат этилади.

14. Дон омборларидан фойдаланиш жараёнида чанг, ифлослантирувчи аралашмалар, бегона жисмлар тўпланишига йўл қўйилмайди. Омборхонани мунтазам тозалаб туриш ва ускуналарни озода сақлаш талаб этилади. Омборхоналарда фойдаланилмайдиган кўчма ва олиб юриладиган мосламаларни қолдириш тақиқланади.

15. Ҳар бир корхонанинг ички тартиб-қоидаларида омборлар, элеватор сиғимларини дон қолдиқлари ва чангдан тозалаш, зараркунандаларга қарши ишлов бериш жадвали назарда тутилган бўлиши керак.

3-боб. Бошоқли дон партияларини қабул қилиш, шакллантириш ва жойлаштириш

16. Янги ҳосилдан олинган бошоқли донни қабул қилиш ва жойлаштиришни тўғри ташкил этиш мақсадида харид қилиниши кутилаётган бошоқли дон миқдори, шартномалар (контрактация, фьючерс, форвард ва бошқа), бошқа корхоналардан қабул қилиниши ва жўнатилиши кутилаётган миқдор, ўтган йиллардаги бошоқли дон қолдиқлари, дастлабки йиллар маълумотлари бўйича кутилаётган сифат ҳамда қайси мақсадга мўлжалланганлигини ҳисобга олиш талаб этилади.

Ўрим-йиғим даврида донни узлуксиз қабул қилиш, тўғри жойлаштириш, унга вақтида ишлов бериш, дон сиғимлари, транспорт ва технологик ускуналардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида технологик карталарни тузиш тавсия этилади.

17. Бир турдаги дон партияларини шакллантириш ва уларни жойлаштириш норматив-техник ҳужжатларга мувофиқ уларнинг технологик тавсияларини ифодаловчи сифат кўрсаткичлари, шунингдек, намлиги, ифлос ва донли аралашмаларнинг мавжудлик ҳолати бўйича амалга оширилади.

Доннинг намлик ва ифлосланганлик ҳолати таснифи ушбу Низомга **2-иловага** мувофиқ белгиланади.

18. Алоҳида ҳисобга олинандиган кўрсаткичлар бўйича — совуқ урган, қоракуя, фузариоз, тошбақасимон кана ва кана (клещ) билан зарарланган, бошоқли донга хос бўлмаган ҳидли, унган дон (5 фоиздан ортик), шунингдек, зарарли ва қийин ажралувчи аралашмалар (O`z Dst 880:2015 да назарда тутилган)

билан ифлосланган, пестицидлар миқдори белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган дон алоҳида жойлаштирилади ва унга ишлов берилади. Қолдиқ пестицидлар миқдори дон етиштирувчи хўжалик ҳужжатларида кўрсатилади.

Таркибида 3 фоизгача унган дон бўлган партиялар алоҳида жойлаштирилади.

19. Тури жиҳатидан буғдой учун клейковина миқдори ва сифати, намлиги ва ифлосланганлик ҳолати ҳамда сифатнинг бошқа кўрсаткичлари бўйича бир хил бўлган дастлабки йиллар ҳосилининг дон партияларини бирлаштириш мумкин, давлат захирасига олиб қўйилган донлар бундан мустасно.

20. Фумигация қилиш талаб этиладиган дастлабки йиллар ҳосилининг донини янги ҳосил дони билан, шунингдек, «ўз-ўзидан қизиб кетувчи» донни «соғлом» дон билан бирлаштириш тақиқланади.

21. Янги йиғиб олинган дон стандарт талаблари бўйича белгиланган меъёрларга етказилгунга қадар қуририлиб, ғарамланади.

22. Қуруқ ва ўртача қуруқ дон уюмининг баландлиги дон омборининг техник ҳолати йўл қўйган даражадаги баландликда белгиланади.

23. Донни сақлаш, юклаш ҳамда шамоллатиш ишларини амалга ошириш мақсадида омборнинг 10 фоиз қисми, элеваторларда эса — ҳар бир транспортёр учун камида битта бўш сиғим бўлиши талаб этилади.

24. Дон топширувчилардан қабул қилинаётган донни корхоналар омборларига жойлаштириш ушбу Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Доннинг сифатли сақланишини таъминлаш

25. Корхонага келаётган донга унинг сифатли сақланишини таъминловчи муддатларда ишлов (тозалаш, қуририш, совутиш, зарарсизлантириш ва бошқалар) берилиши керак.

26. Бир йилгача сақлашга мўлжалланган ва сиғимларга жойлаштирилаётган доннинг намлик даражаси 14,5 фоиздан ошмаслиги лозим.

27. Кузги салқин тушиши билан олдиндан ишлаб чиқилган режага асосан корхонанинг барча техник воситаларини қўллаш орқали корхоналарда донни қишки шароитда сақлашга ўтказиш борасида ишлар амалга оширилади. Дон партияларини совутиш навбати уларнинг намлиги, ҳарорати, зарарланганлигига қараб белгиланади.

28. Дон массасининг ҳарорати $+10^{\circ}\text{C}$ дан 0°C гача бўлган дон партиялари биринчи даражагача, дон массасининг барча қатламларининг ҳарорати 0°C дан пастгача совутилган дон партиялари иккинчи даражагача совутилган ҳисобланади.

29. Баҳорда кунлар исиши билан донда паст ҳароратни имкон қадар узоқ сақлаш учун қуйидагиларни бажариш лозим:

омборларнинг эшик ва деразаларини, элеваторларнинг силос усти ва силос ости қаватларини ёпиб қўйиш;

сақланаётган дон ҳароратини тонгги соатларда текшириб туриш;
дон омборларини фақат қуруқ ва салқин об-ҳавода шамоллатиш.

30. Ўз-ўзидан қизиши мумкинлигидан далолат берувчи сақланаётган дон ҳароратининг кўтарилишида, уни зудлик билан совутиш ва қуритиш чоралари кўрилади. Бунда тозалаш, қуритиш ва шамоллатиш бўйича мавжуд бўлган барча воситалар, шунингдек, ҳавонинг пасайган ва тунги ҳароратидан фойдаланилади.

Қизиётган дон метеорологик шароитлардан қатъи назар, ташқи ҳаво ҳароратига яқин келгунича совутилади.

31. Ўз-ўзидан қизиган дон биринчи навбатда сотилади.

32. Сақланаётган донда моғор хиди пайдо бўлганда (дон ҳарорати ошмаса) шамоллатилади.

5-боб. Нархлар барқарорлигини таъминлашда дон сифатини назорат қилиш

33. Нархлар барқарорлигини таъминлашда доннинг сифати устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан қонун ҳужжатларида белгилаган тартибда амалга оширилади. Назорат қуйидагилар устидан амалга оширилади:

донни қабул қилиш, сақлаш, юклаш, ташиш жараёнларида табиий камайиш миқдорларининг асосланганлиги ва ҳаққонийлиги;

ҳисоботларнинг тўғри юритилиши;

режасиз қарама-қарши ташишларга йўл қўйилмаслиги;

дон партияларининг асоссиз хатловдан ўтказилишига йўл қўймаслик;

дон партияларининг айланма ҳаракати сунъий оширилишига йўл қўймаслик;

зараркунандалар билан зарарланишнинг олдини олиш бўйича тадбирлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши (зарарсизлантириш ишлари олиб борилганлигининг асосланганлиги ўрганилади).

34. Дон корхонага келиб тушган вақтдан бошлаб ҳар бир партиянинг сифати ва ҳолати бўйича белгиланган режа-жадваллар асосида мунтазам назорат ташкил этилади.

Бунда доннинг намлиги, ҳарорати, дон захираларининг зараркунандалар билан зарарланганлиги, ҳиди, ранги ва амалдаги норматив-техник ҳужжатлар билан меъёрланадиган сифатнинг бошқа кўрсаткичлари устидан назорат амалга оширилади.

35. Дон ҳароратини элеваторларда ўлчаш учун ҳароратни масофадан назорат қилишнинг электротермометрик ускуналари қўлланилади.

Дон ҳароратини омборларда ўлчаш учун техник термометрли термошуплар, ҳарорат индикаторларидан фойдаланилади.

36. Донни жойлаштириш, ишлов беришдан олдин ва кейин намликни тезкор аниқлаш учун намлик ўлчагичларни қўллашга рухсат этилади.

37. Дон ҳароратини омборларда кузатиб туриш учун унинг юзаси шартли равишда ҳар бири тахминан 200 м² дан бўлган қисмларга бўлинади. Ҳар бир қисм рақамланиб, омборга кириб келишда кўринадиган ўлчамда йирик рақамлар билан ёзиб қўйилади.

38. Омборлардаги уюм баландлиги 1,5 метрдан ортиқ бўлганда, ҳар бир қисмда турли сатҳда (юқорига, ўртага, пастга) учта термоштанга ўрнатилади. Уюм баландлиги 1,5 метрдан паст бўлганда, ҳарорат иккита қатламда — юқориги ва пастки қатламда ўлчанади.

Дон ҳарорати ҳар сафар ўлчанганидан сўнг термоштангалар олдинги қисм доирасида ўлчанган жойдан 2 метр масофага шахмат тартибда, тушириш чуқурлигини ўзгартирган ҳолда кўчирилади.

39. Масофадан назорат қилиш мосламалари билан жиҳозланмаган элеватор сиғимларида ҳарорат 0,5, 1,5 ва 3 метр чуқурликда термоштанга ёрдамида ўлчанади.

Дон сифати ва ҳолатини назорат қилиш учун зарур ҳолларда, у бўш сиғимларга кўчирилади, бўш идиш бўлмаган ҳолларда эса, сиғимдан доннинг 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорини чиқариб туриш мумкин ва бу дон шу сиғимга яна қайта солинади. Кўчириш вақтида доннинг ҳарорати, намлиги, ҳиди, ранги ва зараркунандалар билан зарарланганлиги текширилади.

40. Дон ҳарорати ушбу Низомга 3-иловада кўрсатилган муддатларда лаборатория ходимлари ва моддий жавобгар шахслар томонидан текшириб турилади.

41. Металл сиғимларда куруқ доннинг ҳароратини назорат қилиш 10°C дан ортиқ бўлганда 3 кунда бир марта, 10°C ва ундан паст бўлганда эса — 7 кунда бир марта назорат қилинади.

42. Текшириш муддатлари дон уюмининг алоҳида қатламларидан аниқланган энг юқори ҳароратга қараб белгиланади, ҳарорат масъул шахслар ва лаборатория ходимлари томонидан назорат қилинади.

43. Бошоқли донни сақлаш учун жойлаштиришда, шунингдек, тозалаш, қуритиш, шамоллатишдан сўнг ва жўнатишдан аввал унинг тўлиқ техник таҳлили ўтказилади.

Сақлаш даврида тўлиқ техник таҳлил бир турдаги партиядан олинган ўртача намуна бўйича бир ойда бир марта ўтказилади.

Дон зараркунандалар билан зарарланганлигини текшириш дон ҳарорати 5°C ва ундан паст бўлганда бир ойда бир марта, 5°C дан юқори бўлганда эса — бир ойда 2 марта ўтказилади.

44. Металл сиғимлардан намуналар уюмнинг юқори қатлампидан (устки қопқоқ ва ички нарвон мавжуд бўлганда, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда), шунингдек, пастки қопқоқ орқали доннинг бир қисмини бўш сиғимга ўтказиш йўли билан олинади.

45. Барча таҳлил ва кузатишлар натижалари лаборатория журналида қайд қилинади. Бир турдаги доннинг ҳар бир партиясига лаборатория ходимлари доннинг сифати тўғрисидаги бирламчи лаборатория ҳужжатларини тўлдириш ва юритиш тартиби ҳақидаги кўрсатмаларга мувофиқ белгиланган шаклда штабель ва элеватор сиғим ёрлиқларини ёзади ва юритади.

46. Ҳар бир элеваторда сиғимларнинг схемаси акс эттирилган «сиғим пештахтаси» бўлиши лозим. Бунда элеватор сиғими, «юлдузча» («звездочка») ва бункер белгиланган тартибда рақамланади, уларга элеватор сиғим ёрлиғи

тузилади. Элеватор сизим ёрлигида дон тури, сақланаётган дон партиясининг массаси, жойлаштирилган санаси, сифат кўрсаткичлари акс эттирилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

47. Донни сақлаш жараёни техника ва саноат хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси ва гигиенаси ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

48. Сотиб олинган ғалла сақланаётган омборларда ғалланинг сифати ва миқдори тўғри сақланишини таъминлаш ғалла сақланаётган корхоналар масъуллари зиммасига, улар устидан ойлик назорат ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига юкланади.

49. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**Ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинadиган донни сақлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА**

Ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинadиган донни сақлаш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, «Ўзстандарт» агентлиги, дон корхоналари	Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча дон қабул қилиш васақлаш корхоналарида давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинган ғалла сақланаётган омборларда бошоқли доннинг сифати ва миқдори бўйича тўғри сақланишини назорат қилиш юзасидан амалга ошириладиган чоратадбирларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.	Ҳисобот йилининг 15 мартага қадар

2-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳар йили 1 апрелга қадар ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш мақсадида сотиб олинадиган ғалланинг туманлар кесимидаги тақсимоти ҳамда бошоқли дон сақлаш учун Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг худудий бошқармалари хулосасига эга бўлган дон корхоналари рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб боради.	Ҳар йили 1 апрелга қадар
3-босқич	Вазирлар Маҳкамаси	Туманлар кесимида ғалланинг ҳажмлари ва уларни сақлайдиган дон корхоналари рўйхатини тасдиқлайди.	Ҳар йили 1 майга қадар
4-босқич	«Ўзстандарт» агентлиги, дон корхоналари	Мулкчилик шаклидан қатъи назар, дон сақлашга талабгор бўлган барча дон корхоналарининг лабораториялари ва тарозиларини хатлов ҳамда қиёсловдан ўтказди ва	Ҳисобот йилининг 1 майига қадар

		уларнинг амалдаги талабларга мослиги тўғрисида хулоса беради.	
5-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси	Дон сақлашга рухсат этилган корхоналар рўйхати ҳамда уларнинг дон сақлаш қувватлари тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.	Ҳисобот йилининг 10 майига қадар
6-босқич	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси, дон корхоналари	Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинган донни қабул қилиш, сақлаш, ташиш жараёнларида миқдор-сифат ҳисоботларининг тўғри юритилиши, табиий камайиш миқдорларининг ҳаққонийлиги ҳамда асоссиз йўқотишларнинг олдини олиш устидан ойлик назорат олиб боради.	Тасдиқланган жадвалга асосан
7-босқич	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, дон корхоналари	Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинган доннинг сифати ва миқдори ҳамда доннинг сақланиш ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб боради.	Тасдиқланган жадвалга асосан

8-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, дон корхоналари, фермер хўжаликлари	Ғалла етиштирувчи фермер хўжаликлари ихтиёрида қоладиган донни шартнома асосида дон корхоналари томонидан ижарага олиб сақланиши мумкин ва талабдан келиб чиқиб, келишилган ҳолда фермер хўжаликларидан сотиб олинади ва истеъмолчиларга етказиб берилади.	Ғалла тайёрлаш мавсуми даврида
----------	--	--	--------------------------------

Ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинadиган донни сақлаш тартиби тўғрисидаги **низомига**
2-ИЛОВА

Доннинг намлик ва ифлосланганлик ҳолати

ТАСНИФИ

Доннинг ҳолати	Бугдой учун меъёр (фоизда)	
	кузги	баҳорги
Намлиги бўйича		
Қуруқ	14,0 дан ошмаган	14,0 дан ошмаган
Ўртача қуруқ	14,1 — 15,5	14,1 — 15,5
Нам	15,6 — 17,0	15,6 — 17,0
Хом	17,1 ва ундан юқори	17,1 ва ундан юқори
Ифлослантирувчи аралашмалар бўйича:		
Тоза	1,0 дан ошмаган	1,0 дан ошмаган
Ўртача тоза	1,1 — 3,0	1,1 — 3,0
Ифлос	3,1 ва ундан юқори	3,1 ва ундан юқори
Донли аралашмалар бўйича:		
Тоза	2,0 дан ошмаган	1,0 дан ошмаган
Ўртача тоза	2,1 — 7,0	1,1 — 5,0
Ифлос	7,1 ва ундан юқори	5,1 ва ундан юқори

Ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинадиган донни
сақлаш тартиби тўғрисидаги **низомга**
3-ИЛОВА

Ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналардан сотиб олинадиган
доннинг ҳароратини текшириб туриш

МУДДАТЛАРИ

Доннинг намлиги и бўйича ҳолати	Янги йиғиб олинган дон (қабул қилинган вақтдан бошлаб уч ой давомида)	Ҳарорати қуйидагича бўлган бошқа донлар		
		10°C дан юқори	10 °C дан 0°C гача	0°C ва ундан паст
Курук ва ўртача курук	15 кунда бир март а	15 кунда бир март а	15 кунда бир март а	15 кунда бир март а
Нам	ҳар куни	2 кунда бир марта	5 кунда бир марта	15 кунда бир март а
Хом	ҳар куни	-	-	-

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 312-сон қарорига
2-ИЛОВА

Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда — Марказ) томонидан республика ҳудудида жойлашган бошоқли донни қабул қилиш ва сақлаш майдонлари, омборлари ҳамда бошқа сиғимларга (кейинги ўринларда — дон сақлаш сиғимлари) хулоса беришга тайёрлаш ва ўтказиш учун умумий талабларни белгилайди.

2. Хулоса беришда дон сақлаш сиғимларининг мувофиқлигига бўлган талаблар рўйхати, текшириш ва баҳолаш ишларини ўтказиш муддатлари, хулоса бериладиган дон сақлаш сиғимларининг Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги **низомда** белгиланган талабларга мослиги тасдиқланади.

3. Хулоса бериш ишларига ҳақ тўлаш, буюртмачи томонидан баҳолаш ишлари натижаларидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома талабларига мувофиқ тасдиқланган калькуляция асосида тўланади. Бунда хулоса бериш ишлари тўлов амалга оширилгандан сўнг бажарилади.

4. Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш тартиби ушбу Низомга **1-иловада** келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш

5. Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш (кейинги ўринларда — хулоса бериш) куйидагиларни ўз ичига олади:

Марказга хулоса бериш юзасидан мазкур Низомга **2-иловага** мувофиқ шакл бўйича буюртма бериш ва уни кўриб чиқиш;

буюртмага илова қилинган бошқа ҳужжатларни таҳлил қилиш;

буюртма бўйича қарор қабул қилиш;

баҳолаш дастурини тайёрлаш ва тасдиқлаш;

баҳолаш комиссияси таркибини шакллантириш;

баҳолаш комиссияси томонидан жойларга чиқиб, дон сақлаш сиғимларининг ҳолатини, шароитларини ўрганиш ва баҳолаш;

дон сақлаш корхоналаридаги мавжуд ускуна ва жиҳозлар ҳолатини ўрганиш ва баҳолаш;

ўрганиш ва баҳолаш натижалари бўйича дастлабки далолатномаларни расмийлаштириш;

олинган натижаларни таҳлил қилиш, хулоса бериш ёки хулоса беришни рад этиш;

расмийлаштирилган хулосани рўйхатга олиш.

6. Дон сақлаш сиғимларига хулоса беришда куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

буюртмачининг юридик ҳужжатлари нусхаси (корхона гувоҳномаси, реквизитлари);

дон сақлаш сиғимлари жойлашган майдон, бино ва иншоотлар тўғрисидаги ҳужжат нусхаси (кадастр, бино паспорти ҳужжатлари мавжуд бўлса);

дон сақлаш корхоналаридаги мавжуд ўлчов воситалари, ускуналар ва жиҳозлар рўйхати;

дон қабул қилиш ва сақлашда фойдаланиладиган ўлчов воситалари қиёсловдан ўтказилганлиги тўғрисида маълумот (қиёслов гувоҳномалари нусхаси);

донни сақловчи корхоналарда ёнғин хавфсизлиги ва санитария-эпидемиология тартибига қатъий риоя этилганлиги тўғрисидаги хулосалар нусхаси;

зараркунандалар билан зарарланишнинг олдини олишни таъминловчи чора-тадбирлар ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома нусхаси.

Агар буюртмачи айтилган вақтда санитария-эпидемиология, ёнғин хавфсизлиги хулосаларини ва дон сақлаш сиғимларига хулоса олишга буюртма берган бўлса, бундай ҳолда санитария-эпидемиология ва ёнғин хавфсизлиги

хулосасининг нусхаси белгиланган тартибда расмийлаштиригандан кейин хулоса берилади.

7. Марказ буюртмачининг талабига мувофиқ унга хулоса бериш ишлари учун ҳақ тўлаш прејскуранти (тарифлари)ни тайёрлайди ва тақдим этади.

8. Буюртма берилгандан сўнг Марказ уни кўриб чиқиб, тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилади ва буюртмани олган кундан бошлаб икки кун ичида буюртмачига дон сақлаш сиғимларига хулоса беришнинг белгиланган тартибига асосланадиган хулоса беришнинг барча шартлари, уни амалга ошириш учун ушбу Низомга **3-иловада** назарда тутилган шакл бўйича қабул қилинган қарорни маълум қилади.

Дон сақлаш сиғимларига санитария-эпидемиология ва ёнғин хавфсизлиги нормалари ва талаблари мавжудлиги сабабли қарорда санитария-эпидемиология ва ёнғин хавфсизлиги хулосаларини олиш зарурлиги ҳам кўрсатилади.

9. Буюртма асосида қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки кундан кечиктирмай баҳолаш комиссияси тузилади ҳамда буюртмачи тасдиқланган баҳолаш комиссияси аъзолари билан таништирилади.

Агар буюртмачида баҳолаш комиссияси аъзоларига асосли эътирозлар мавжуд бўлса, комиссия аъзолари алмаштирилади.

10. Баҳолаш комиссияси ўн кундан ошмаган муддатда жойларга чиқиб дон сақлаш сиғимларининг ҳолатини ва шароитларини, шунингдек, дон сақлаш корхоналаридаги мавжуд ускуна ва жиҳозлар ҳолатини ўрганиши, баҳолаш ишларини амалга ошириши лозим.

11. Баҳолаш комиссияси томонидан барча ўрганиш ва баҳолаш ишлари натижалари бўйича бир иш куни ичида икки нусхада дастлабки далолатнома расмийлаштирилиб, унинг бир нусхаси буюртмачига берилади.

12. Баҳолаш комиссияси барча зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб (ўрганиш ва баҳолаш натижалари бўйича дастлабки далолатнома, зараркундалар билан зарарланишнинг олдини олишни таъминловчи чора-тадбирлар ўтказилганлиги тўғрисидаги далолатнома, санитария-эпидемиология ва ёнғин хавфсизлиги хулосаларини) уч иш кунидан ошмаган муддатда дон сақлаш сиғимларига хулоса беришни расмийлаштирилади ҳамда беради.

13. Буюртмачи ўз хоҳишига кўра, хулоса бериладиган дон сақлаш сиғимларининг техник тавсифларини тақдим этиши мумкин.

14. Буюртмачи ёки унинг вакилига уларнинг сўровига асосан ўрганиш ва баҳолаш ўтказиш жараёни билан танишиш имконияти яратиб берилиши лозим.

15. Ўрганиш ва баҳолаш натижаларининг ҳаққонийлиги, шунингдек, дастлабки далолатномаларнинг сақланиши учун Марказ масъул ҳисобланади. Дастлабки далолатнома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва Марказга тақдим этилади.

16. Ўрганиш ва баҳолаш якунлари бўйича баҳолаш комиссиясининг салбий хулосаси мавжуд бўлганда, шунингдек, буюртмачи томонидан ҳужжатлар тўплами тўлиқ тақдим этилмаганда Марказ буюртмачини қонун ҳужжатларининг нормаларга ҳаволаларни ҳамда рад этиш сабабларини аниқ

кўрсатган ҳолда хулоса бериш рад этилганлиги тўғрисида уч кун ичида хабардор қилади.

17. Сақлаш сиғимлари шароитларини ўрганиш ва баҳолаш яқунлари бўйича маълумотлар хулосада кўрсатилади.

18. Марказ баҳолаш натижаларини ҳамда буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб хулоса бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

19. Хулоса бланкаси рақамланган, ҳимоя қилиш даражасига эга, қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжат ҳисобланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказда сақланади.

Хулоса бланкаси ушбу Низомга **4-иловага** мувофиқ шаклда тайёрланади.

20. Расмийлаштирилган хулоса махсус дафтарларда рўйхатга олинади, хулоса рўйхат рақами мавжуд бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланади.

21. Хулоса:

дон сақлаш омборлари, айвонларига — 1 йил муддатга;

элеватор, темир сиғимлар ва бошқа махсус сиғимларга — 2 йил муддатга берилади.

Хулосада буюртма берувчининг тўлиқ номи, дон сақлаш умумий ҳажми ва жойлашган манзили кўрсатилади.

22. Низоли масалаларни ҳал этиш, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Агроинспекция) томонидан Марказ фаолиятини назорат қилиш мақсадлари учун ўрганиш ва баҳолаш натижалари бўйича дастлабки далолатномалар, санитария-эпидемиология ва ёнғин хавфсизлиги хулосалари, дон сақлаш сиғимларига олинган хулосанинг амал қилиш муддати давомида ёки камида бир йил давомида сақланиши лозим.

23. Дон сақлаш сиғимларига берилган хулосанинг амал қилиш муддати тугашидан камида бир ой олдин, заруратга кўра, буюртмачи дон сақлаш сиғимларига қайта хулоса олиш мақсадида Марказга буюртма бериш ҳуқуқига эга.

24. Дон сақлаш омборлари ва бошқа сиғимларнинг конструкцияси (бинолари)га ўзгартиришлар киритиш режалаштирилганда бу тўғрисида тегишли қарор қабул қилиш учун Марказни хабардор қилиш лозим.

25. Хулоса берилган дон сақлаш корхоналари томонидан ўзбошимчалик билан Марказни хабардор қилмасдан, омборлар конструкциясига ўзгартиришлар киритиш ҳолатлари аниқланганда, хулоса бекор қилинади.

3-боб. Низоларни ҳал этиш

26. Манфаатдор томонлар хулоса бериш натижаларидан норози бўлганда, Агроинспекцияга ёки судга мурожаат қилишга ҳақли.

27. Агроинспекция Марказнинг қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқади.

28. Агроинспекция қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

29. Марказ йиллик иш ҳажмидан келиб чиқиб дон сақлаш сиғимларини баҳолаш хулосаси бланкалари (S3) билан узлуксиз таъминлаш мақсадида махсус босмахоналарга буюртма бериш ишларини ташкил этади.

30. Марказ расмийлаштирилган, бекор қилинган хулосаларни, шунингдек, хулоса бериш рад этилган ҳолатлар ҳисобини юритади ҳамда улар тўғрисидаги ва хулоса бериш фаолияти тўғрисидаги ахборотни Марказ директориға тақдим этади, шунингдек, манфаатдор ташкилотларни ўз фаолияти тўғрисида хабардор қилади.

31. Марказнинг расмий веб-сайтиға дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш натижалари бўйича қуйидаги ахборот жойлаштирилади:

хулоса берилган (буюртмачи) корхоналар рўйхати, дон сақлаш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар;

дон сақлаш сиғимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Дон ва дон маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ички ташиш, қайта ишлаш ва сотишнинг дастлабки ҳисобини юритиш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги **низом** талабларига жавоб бермаган корхоналарға рад этилганлиги тўғрисида маълумотлар.

32. Марказ расмийлаштирилган, бекор қилинган хулосалар, шунингдек, хулоса бериш рад этилган ҳолатларнинг ҳисобини юритади, улар тўғрисида ҳар ойда Агроинспекцияға маълумот тақдим этади.

33. Агроинспекция, зарур ҳолларда, Марказдан хулоса бериш материалларини (хужжатларни) сўраб олиши мумкин.

34. Хулосада кўрсатилган маълумотлар ҳаққонийлиги, шунингдек, хулоса бериш муддатлари ва тартибининг бузилганлиги учун жавобгарлик Марказға юкланади.

35. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш тартиби тўғрисидаги **низомға**
1-ИЛОВА

Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш тартибини амалға ошириш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг худудий бошқармалари ва уларнинг қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар	Мулкчилик шаклидан қатъи назар, дон сақлашға талабгор бўлган барча дон қабул қилиш корхоналаридан буюртмалар қабул қилинади. Қабул қилинган буюртмалар асосида махсус комиссия тузилади ва	Ҳар йилнинг 15 мартаға қадар Буюртмани олган кунидан бошлаб 4 кун ичида

	<p>кўрсатиш маркази» ДУК, мулкчилик шаклидан қатъи назар, дон сақлашга талабгор бўлган барча дон корхоналари</p>	<p>буюртмачини баҳолаш комиссияси билан таништирилади, шунингдек, баҳолаш дастури тайёрланиб тасдиқланади.</p>	
2-босқич	<p>Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг худудий бошқармалари ва уларнинг қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК, мулкчилик шаклидан қатъи назар, дон сақлашга талабгор бўлган барча дон корхоналари</p>	<p>Тасдиқланган комиссия томонидан жойларга чиқилиб, дон сақлаш сиғимларини ҳолатини, шароитларини ўрганиш ишлари амалга оширилади ҳамда баҳолаш натижалари бўйича дастлабки далолатномалар расмийлаштиради.</p>	<p>Буюртмани олган кунидан бошлаб 15 кун ичида</p>
3-босқич	<p>Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг худудий бошқармалари ва уларнинг қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК</p>	<p>Барча баҳолаш натижалари ва буюртмачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилиб хулоса тақдим этилади ёки баҳолашда натижалари салбий бўлган буюртмачига қонунчиликнинг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда хулоса бериш рад этилганлиги тўғрисида маълумот берилади.</p>	<p>Далолатнома тузилган кунидан бошлаб 3 кун ичида</p>

4-босқич	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг худудий бошқармалари ва уларнинг қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК	Хулоса берилган (буюртмачи) корхоналар рўйхати, дон сақлаш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар, дон сақлаш сиғимлари белгиланган талабларга жавоб бермаган корхоналарга хулоса бериш рад этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар сайтда эълон қилиб борилади.	Ҳисобот йилининг 10 майига қадар
5-босқич	Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва унинг қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК	Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш бўйича маълумотлар умумлаштирилиб амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилади.	Ҳисобот йилининг 25 майига қадар

**Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМГА
2-ИЛОВА**

(Марказ ёки худудий филиалнинг номи
(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми)
(Марказ ёки худудий филиалнинг номи)

**Дон сақлаш сиғимларини баҳолаш хулосани
БҮҮРТМА**

(буюртмачининг номи ёки яқка тартибдаги тадбиркорнинг номи)

исми) _____

буюртмачи _____ номидан _____

(раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (дон сақлаш сиғимлари)

_____ талабларига му

(норматив ҳужжатларнинг номланиши ва рақамланиши)

Дон сақлаш сиғимларини баҳолаш хулосасини расмийлаштириб беришингизни сўраймиз.

Илова: _____

(илова қилинаётган ҳужжатлар номи ва варақ

Буюртмачи _____

(имзо)

(фамилияси, исми, отасининг исми)

Сана

Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш тартиби тўғрисидаги **низомга**

3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Агросаноат мажмуи

устидан назорат қилиш инспекцияси

қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар

кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси

«Тасдиқлайман»

Дон йўналиши бўйича л

бошлиғи

(фамилияси, исми, отаси

20 ____ й. « ____ » _____

М.Ў.

Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш ишларини амалга ошириш тўғрисида

ҚАРОР

20 ____ й. _____ « ____ » _____

келиб тушган буюрт

чиқиб

(буюртмачининг номи)

(сиғим турлари ва ҳажми тоннада)

1. Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш

учун _____

(комиссия аъзоларининг лавоз

_____ таркибида баҳолаш комис

тасдиқлансин.

(фамилияси, исми, отасининг исми)

2. Баҳолаш комиссияси жойларга чиқиб ўрганиш ва баҳолаш ишларини амалга оширсин.

3. Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш ишлари ғалла етиштирувчи хўжаликлар ва корхоналарнинг олинадиган донни сақлаш тартиби тўғрисидаги низоми талаблари асосида амалга ошириладиган ишларни амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаш.

4. Дон сақлаш корхоналаридаги мавжуд ускуна ва жиҳозлар ҳолати ўрганилсин ҳамда баҳолаш ишларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни белгилаш.

5. Хулоса бериш ишлари учун тўлов шартнома асосида қонун ҳужжатларида белгиланган амалга оширилсин.

6. Дон сақлаш сиғимларига хулоса беришда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. _____;
2. _____;
3. _____.

Дон сақлаш сиғимларига хулоса бериш тартиби тўғрисидаги **низомга**
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги
«Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази»
давлат унитар корхонаси

ДОН САҚЛАШ СИҒИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ
ХУЛОСАСИ

S3- рақами

Берилди 20__ й. «__» _____

Амал қилиш муддати 20__ йил «__» _____

Дон сақлаш сиғимлари тури

_____.

Дон сақлаш сиғимлари ҳажми

_____.

Корхона номи

Манзили

Хулоса қуйидагиларга асосан берилди:

а) ҳужжатлар _____

б) ўрганиш ва баҳолаш далолатномаси _____

в) хулосалар _____

Алоҳида ёзувлар:

Масъул ходим

(фамилияси, исми, отасининг исми)

(ИМЗО)